

ИЖОБИЙ ОДАТЛАР ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИ ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

“Умумий психология” кафедраси
ўқитувчиси Нодира Ташпўлатова
Худжамурадовна
Мактабгача таълим йўналиши 2-курс
талабаси Урдушева Ойша

Аннотация: Ушбу мақолада шахс шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ва ўқувчи шахсини таркиб топтиришда ижобий одатларнинг ўрни ҳақидаги маълумотлар баён қилинган. Шу ижобий одатларни шакллантириш йўлида учрайдиган камчиликлар ва уларни қандай бартараф этиш йўллари баён этилган.

Калит сўзлар: одатлар, малака, кўникма, эстетик одатлар, юзакилик ва тартибсизлик, саранжом-сарийшта, ўз-ўзини тарбиялаш.

Ёшларни жисмонан чиниққан, мард, билимли, қатъиятли, она Ватанини ҳимоя қила оладиган авлод сифатида камол топтириш учун уларнинг жисмонан ривожланишга хизмат қиладиган масканларни барпо этиш ва ривожлантириш талаб этилади. Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоат ва мажмуаларни барпо этиш борасида катта ишлар қилинаётгани ёшларимиз олдида кенг имкониятлар очилишига асос бўлди.

Фан ва маданият дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиш мумкинлигини ёддан чиқармаслик лозим.

Шу борада тарбиячи ва ўқитувчиларимиз олдида бир қанча зарур масалаларни кўйдик, улар орқали ўқувчиларда шахсий хислар ва ижобий одатлар шаклланади.

Одатлар-киши иш-ҳаракатларининг барқарор усуллари бўлиб, муайян шароитда буларни бажариш эҳтиёжга айланади.

Меҳнат ва ўқиш жараёнида кўникма ҳамда малакалар билан бирга одатлар ҳам катта ўрин эгаллайди.

Одатлар, худди малакалар сингари, янгидан ҳосил қилинган, мустаҳкамланган ва автоматлаштирилган иш-ҳаракатлардир; лекин малака ва одат-айнан бир нарса эмас, улар бир-биридаи фарқ қилинади.

Маълум шароит таъсири остида вужудга келиб ва мустаҳкамланиб қолган ва бажарилиб туриши кишининг эҳтиёжига айланган амал ҳаракатларни одат деб айтилади.

Бундай ҳаракатларни (одатларни) тўхтатиб қолиш, одатда, тажанглик ва норозилик ҳиссини уйғотади. Масалан, бунга қуйидаги одатларни

кўрсатиш мумкин: масалан бир вақтда уйқудан туриш, овқат олдидан қўлни ювиш, ишда асбобларни маълум бир жойга қўйиш ва шунинг кабилар.

Одатланиб қолган ҳаракатлар кўпинча шунчалик мустақкам сингиб кетадики, улар кишига табиий бўлиб кўринади. Одатлар ҳам, малакалар сингари, ҳар хил бўлади; масалан, шундай одатлар бўлади: касб ва меҳнат одатлари (ишга ўз вақтида келиш, бошланган ишни охиригача етказиш, ҳар қандай ишни олдиндан ўйлаб, режа билан ишлаш, иш учун зарур бўлган барча нарсаларни маълум бир жойга қўйиш ва бошқалар), гигиена одатлари (бадан ва кийимларнинг тозалигини сақлаш, тишни тозалаб туриш, овқат олдидан қўлларни ювиш ва бошқалар), эстетик одатлар (сочларни яхшилаб тараб, кийимларни озода қилиб юриш, уйни тартибли ва чиройли қилиб тутиш, нутқ маданиятига риоя қилиш ва бошқалар), ахлоқий одатлар (ростгўй, софдил ва ҳалол бўлиш).

Фақат ижобий одатлар бўлиб қолмай, балки салбий одатлар ҳам бўлиши мумкин. Салбий одатларга мисол қилиб ишдаги юзакилик ва тартибсизликни, ирқитликни, кўпол иборалар яъни, масалан, хўш каби кераксиз сўзларнинг ишлатилиши, тирноқларни кемириш одатини, шунинг кабиларни кўрсатиш мумкин.

Одатларни ҳосил қилиш жараёни, худди малакаларни ҳосил қилиш жараёни сингари, яъни бир хилдаги ҳаракатларни асосан кўп марталаб такрорлаш орқали содир бўлади.

Одатлар ҳам жуда кўп машқ қилиш, такрорлашнинг натижасидир. Одатлар одам фаолиятига шу даражда кучли сингиб кетадики, одам одатланган нарсани қилмагунча кўнгли тўлмайди. Одат бўлиб қолган ҳаракатларни муваффақиятли бажариш одамда турли ижобий ҳисларни уйғотади. Агар одатдаги ҳаракатини одам ютуқлар билан рўёбга чиқара олмаса, унда салбий ҳис-туйғулар пайдо бўлади.

Одатлар шахснинг ҳиссий ҳолатларини ифодалаши билан бирга унинг ақлини ўстиришга кам хизмат қилади. Одатлар такрорланавериши натижасида мустақкамлашади ва гўёки туғмадаек бўлиб қолади. Ижобий моҳиятдаги бундай одатларнинг шахс учун аҳамияти жуда каттадир.

Одатлар шахснинг маънавий қиёфасини шаклланишига хизмат қилади.

Шахснинг кундалик фаолияти давомида бажарадиган хатти-ҳаракатлари фақат ижобий моҳиятга эга бўлмай, уларнинг баъзилари эса салбий характерга ҳам эга бўлади. Интизомсизлик умуминсоний ахлоққа ғилоф ҳаракатлар, ўзини озода тута билмаслик, ўзгаларга ҳурматсизлик, белгиланган ишни вақтида ва сифатли бажармаслик, кўполлик, дағаллик кабилар салбий одатлардир.

Ўқув фаолиятида, таълимнинг дастлабки даврларида одатлар ҳосил қилишда тақлид ихтиёрий бўлиши ва ўқитувчи бундан албатта фойдаланиши керак. Болада маълум ҳаракатларни такомиллаштириш эҳтиёжи туғилиши зарур. Масалан, кўпгина гигиеник одатлар ўқитувчига тақлид қилиш ўқитувчи сингари бўлишга интилиш асосида юзага келади-бу жуда муҳим бир омил (фактор)дир, одатларни тарбиялашда ана шу омилдан фойдаланиш зарур.

Шундай қилиб, онгли ҳаракатларнинг такрорланавериши натижасида вужудга келган тезлик қобилияти малака деб айтилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, агар одам малакага айланган онгли ҳаракатларни доимо такрорлаб, машқ қилиб турмаса, улар сусая бошлайди ва сўнади.

Малакани онгли ҳаракатларда ифодаланган ва унинг такрорланавериши натижасида юзага келган кучли кўриниши одат деб айтилади.

Одатлар одамда бирданига ҳосил бўлмайди. Одатларнинг ҳосил бўлиши ва такомиллашуви одам амалий ҳаракатларининг техникасини ўрганишдан бошланади. Бунда айниқса, аниқ мақсадга қаратилган онгли ҳаракатлардан тўғри фойдалана олиш жуда зарурдир. Биринчи синф ўқувчиси ҳарфларни ўрганишни ҳар бир ҳарфнинг шаклини идрок қилишдан бошлайди. Сўнгра ўша шаклга мослаб қўлни ҳаракат қилавериш натижасида бармоқлар ҳаракати ҳарф шаклига кўникади ва уни осон ёза оладиган бўлиб қолади.

Ҳисоблашни машқ қилавериш натижасида истаган рақам билан ҳеч қандай қийналмасдан муомала қиладиган бўлиб қолади.

Киши ўзида муайян одатни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, бунга эришиш учун иродавий зўр бераётган вақтда одатлар кўпинча ихтиёрий юзага келади. Ўқувчининг ўқитувчи таъсири остида ё ўртоқлар жамоаининг таъсири остида, ёки ижтимоий мотивларга кўра ўзида ижодий одатларни ҳосил қила боришн жуда муҳимдир.

Бундай ўз-ўзини тарбиялашнинг аҳамияти шундаки, ўқувчи ўзида одатни ҳосил қилиш зарурлиги ҳақида ўзи хулосага келади.

Масалан, синфдаги барча ўқувчилар тоза ва озода бўлиб юришади, улар китоб ва дафтарларини саранжом-саришта қилиб сақлашади, уларнинг парталари ҳамиша тартибли бўлади-мана буларнинг ҳаммаси болаларнинг яхши одатига айланган. Шу тўғрисида бу одат ихтиёрий равишда тарбияланган, ўқувчилар ўзларида озодалиқ, тозалик, саранжомлик малакаларини ҳосил қилишган, ундан кейин бу малакалар хулқнинг кўникилган шакли бўлиб қолган-одатга айланган.

Одатлар даставвал тақлид қилиш юли билан вужудга келади ва тарбиялана боради. Бола катталарга тақлид қиладиган; аввал бошда у катталарнинг ҳаракатларини айнан эсга келтирадиган, ундан кейин тажриба ва индивидуал хусусиятлари асосида ўзи нимадир қўшади.

Ҳозирги шароитда таълимни шундай ташкил этиш вазифаси қўйилганки у ўқувчиларнинг ақлий тараққиётини мукаммал даражада таъминланган бўлсин.

Хулоса қилиб айтганда таълимда одат кўникма ва малакалар машқлари ўқувчи тафаккурини юксак характерда хусусиятларини тарбиялашда ижодий таъсир кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Немов Р. Практическая психология. М., Владос, 1998
2. Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога. М. Владос, 1999.
3. Симонов П.В., Ершов П.Н. Темперамент, характер, личность. М., Наука, 1984.
4. Сиуни А.С. Практические занятия по психологии. М., Просвещение, 1990
5. Абдурасулов, Р., & Ташпўлатова, Н. (2019). Философские и психологические особенности занятий восточными единоборствами в процессе формирования личности. *Человеческий фактор: Социальный психолог*, (1), 7-11.
6. Тошпўлатова, Н. (2021). ЧЕТ ТИЛИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИНИНГ ИНДИВИДУАЛ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ УСУЛЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, (2).
7. Тошпўлатова, Н. (2021). ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАРИНИНГ МУЛОҚОТИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, (3).
8. Тошпўлатова, Н. (2022). ЎСМИРЛИК ДАВРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЁНДОШУВНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(3).
9. Тошпўлатова, Н. (2022). ЎСМИРЛАРДА САЛБИЙ ХУЛҚ АТВОРЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(3).
10. Тошпўлатова, Н. (2022). ОИЛАДА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОТА-ОНАЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(5).
11. Тошпўлатова, Нодира Худжамурадовна (2022). ЎҚУВЧИЛАР ТАФАККУР ХУСУСИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРИНИНГ ЎРНИ. *Ориентал ренессанс: Инновативе, эдусатионал, натурал анд сосиал ссиенсес*, 2 (2), 701-706.
12. Тошпўлатова, Н. (2021). ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА–ЎҚУВЧИЛАР РУҲИЙАТИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, (1).
13. Тайиров, М. (2022). ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ “БОБУБРНОМА” АСАРИДАГИ ИЛМИЙ ВА БУНЁДКОРЛИК ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ОРҚАЛИ ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК, ҒУРУР, ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(7). извлечено от